Бугун Ленин, Октябрь, Чилонзор, Киров, Фрунзе районларининг ҳисобот-сайлов партия конференциялари ўз ишини бошлади.

КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚИЗҒИН САЛОМ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 264 (5255).
19 НОЯБРЬ 1983 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида СССР Ички ишлар министрлиги системасида сиёсий органлар тўғрисидаги Низомни кўриб чиқиб тасдиқлади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бераётганлиги мажлисда уқтириб ўтилди. Бунда намунали ижтимоий тартибни, социалистик мулк, гражданларнинг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза қилинишини таъминлаши лозим бўлган ички ишлар органлари катта роль ўйнайди. Шу масъулиятли вазифаларнинг бажарилиши ички ишлар органлари ходимларининг ғоявий эътиқодига, сиёсий етуклигига, уюшқоқлигига, интизомлигига, юксак профессионал ва маънавий фазилатларига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлиб, партиявий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ва маданий-маърифий ишларни янада кучайтиришни, партия, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилашни, шахсий составнинг сиёсий-маънавий ҳолатини мустаҳкамлашни, унинг масъулияти ва ташаббускорлигини оширишни талаб қилади.

Бу ишни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш СССР Ички ишлар министрлиги системасида тузилган сиёсий органлар зиммасига юкланади. Бу органлар партиянинг ички ишлар органлари фаолиятини яхшилаш, милиция ходимларини Ватанга чексиз садоқат, совет халқига содиқлик, қонунларга қатъият билан риоя этиш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги хизмат бурчини бажаришда фидокорлик, ҳалоллик ва муросасизлик руҳида тарбиялаш тўғрисидаги талабларини қатъият билан муттасил турмушга татбиқ этишлари лозим. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси тасдиқлаган Низомда СССР Ички ишлар министрлиги сиёсий органларининг ташкилий структураси ва ваколатлари мустаҳкам белгилаб берилган, республика ва маҳаллий партия органлари томонидан уларга раҳбарлик принциплари, Ички ишлар министрлиги системасининг ҳамма бўғинларида ишлаб турган партия ташкилотларининг ролини ошириш йўллари белгиланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси қўриқ ерлар ўзлаштирилишининг ўтгиз йиллиги билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг таклифларини қўллаб-қувватлаб, халқимиз турмушидаги шу шонли воқеадан партия аграр сиёсатини амалий равишда турмушга татбиқ этиш ишида меҳнаткашларнинг активлигини изчиллик билан ошириш учун фойдаланиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Сиёсий бюро ўртоқ А. А. Громиконинг Сурия ташқи ишлар министри А. Ҳ. Ҳаддам билан ўтказган музокаралари якунларини маъқуллади. Совет Иттифоқи билан Сурия Араб Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди, Яқин Шарқдаги вазият яна кескинлашган шароитда араб халқларининг ўз ҳаққоний иши учун курашдаги жипслиги ва ҳаракат бирлиги алоҳида аҳамият касб этаётганлиги таъкидланди.

Ўртоқ Б. Н. Пономаревнинг СССР Олий Совети депутатларининг ГФР «Яшиллар» партияси делегацияси билан учрашуви тўғрисидаги ахбороти тинглаб, маъқулланди. Шу учрашув вақтида ядро қуролларини чеклаш ва Европа қитъасида хавфсизликни мустаҳкамлашнинг кўлгина проблемалари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида пахта терими ва уни тайёрлашнинг боришини кўриб чиқди. Ҳамма жойда кўп миқдорда терилмай қолган пахта борлигини назарда тутиб, область, район, шаҳар партия комитетларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига, агросаноат бирлашмаларига, республика экономикаси агросаноат секторини министрликлари ва идораларига ҳосил теримининг якунловчи босқичида кучгайратни янада ошириш, барча хўжаликлар, райондар, областлар пахта тайёрлаш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларни бажаришларини таъминлаш топширилди. Чорва қишловини лозим даражада ўтказиш, чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш билан боғлиқ вазифалар ҳам муҳокама қилинди. Тегишли партия комитетлари ва хўжалик органларига конкрет топшириқлар берилди.

Ўзбекистон ССРда капитал қурилишнинг 10 ойлик якунлари ҳамда 1983 йилги объектларни ишга тушириш ва пудрат ишлари планини сўзсиз бажариш юзасидан қурилиш-монтаж министрликлари ва идораларининг вазифалари муҳокама этилди. Бюро шу йил планида кўзда тутилган ишга тушириладиган барча объектларни ноябрь — декабрь ойларида фойдаланишга топширишни қурилиш-монтаж министрликлари ва идоралари раҳбарларидан ҳамда буюртмачилардан талаб қилди ва улар бунинг учун шахсан жавобгар, деб огоҳлантирилди. Озиқ-овқат программасининг айрим объектларини ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни қуришда йўл қўйилган қолоқликни бартараф этишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Нефть маҳсулотларидан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Партия комитетларига, халқ депутатлари Советларига, хўжалик органларига, жамоат ташкилотларига меҳнаткашлар куч-ғайратини нефть маҳсулотларидан тежаб-тергаб ва авайлаб фойдаланишга сафарбар этиш, бу эса бутун халқ хўжалиги комплексини барқарор ва интенсив ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири эканлигини доимо назарда тутиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг ривожланаётган мамлакатларга техникавий-иқтисодий жиҳатдан ёрдам бериш соҳасидаги иши муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленумининг қарорлари асосида суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш йўли билан ем-хашак етиштиришни тубдан яхшилашга оид тадбирлар кўриб чиқилди. Область ва район партия комитетларига, халқ депутатлари Советларига, республика министрликлари ва идораларига чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан топшириқлар бажарилишини ташкил этишни яхшилаш уларнинг рўёбга чиқарилиши устидан қаттиқ контроль ўрнатиш топширилди.

Малакали ишчи кадрлар тайёрлашга раҳбарлик қилиш соҳасида Андижон область партия комитетининг иши кўриб чиқилиб, уни яхшилашга оид конкрет тадбирлар белгиланди.

Партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ленин райони

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Пойтахтимизнинг Ленин райони меҳнаткашлари шаҳарнинг меҳнат зафарлари солномасига кўпгина ажойиб саҳифаларни битишган. Ўн ойлик программа муддатидан илгари бажарилди. Пландан ташқари 7,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Район учинчи квартал якунларига кўра социалистик мусобақа ғолиби деб топилди ва Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Социалистик мусобақа пешқадамлари—каноп фабрикасининг тўқувчиси В. В. Бикерова, «Средазтрансстрой» трестининг бригадири Д. Нарзиев, трамвай ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н. Абдулхаева, 1-автотранспорт корхонаси самосвал ҳайдовчиси С. А. Венцовский, эксперементал автотранспорт яшлаб чиқариш корхонаси такси ҳайдовчиси М. Акбаров, В. И. Ленин номли фабрика бичувчиси И. П. Осипова ва бошқалар ўз коллективларининг чинакам машъалларидир.

Умум ютуғига район транспорт корхоналари ҳам салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Ўтган уч йил давомида темирйўлчилар пландан ташқари 3,5 миллион тоннадан зиёд халқ хўжалиги юкларини, авиаторлар 318 минг пассажирни, шаҳар электр транспорти 16 миллион пассажирни ташиб бердилар.

Октябрь райони

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Тўқувчи Машкура Қодирова, бўяш цехи ишчиси Валентина Хатулина, бичувчи Гулчеҳра Каримова... Бу коммунистлар, меҳнат илғорларининг номи «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида кенг маълум. Жумладан, М. Қодирова корхонада биринчилардан бўлиб беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилди. Ўзининг катта ваъдасига содиқ бўлган бу илғор ишчи шу йилнинг 17 майида шахсий ўн биринчи беш йиллик планини тугаллаганлиги ҳақида рапорт берди ва ҳозир 1987 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

Г. Каримова, В. Хатулина ҳам унумли ва сифатли ишлаб, вақтдан анча ўзиб кетдилар. Ишлаб чиқариш илғорлари Октябрь район 38-партия конференциясига делегат этиб сайланишган.

Чилонзор райони

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Район меҳнаткашларининг оталиқдаги Тошкент ва Жиззах областларининг колхоз ва совхозларига ёрдами тобора кенгайиб бормоқда. Сўнгги уч йил давомида деҳқонларга жами икки миллион сўмлик турли материаллар, механизмлар, эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

Зарбдор районидаги 12-совхозда 200 бош қорамолга мўлжалланган молхона қуриб берилди. Ю. Фучик номли совхозда чўчқачилик комплекси бунёд этилди. «Средазнефтегазстрой» трести, 153-қурилиш трести, «Ташкентхлеб» бирлашмаси ва бошқа корхоналар «Чилонзор» совхози ерларини муваффақиятли ўзлаштиришяпти, суғориш каналларини, чўчқачилик комплексларини ва бошқа чорвачилик объектларини бунёд этишяпти.

Киров райони

БРИГАДИР ОБРЎЙИ

Қурувчи Мухтор Ҳабибуллаев номини пойтахтимизда жуда яхши билишади.

Мана 15 йилдирки у 11-«Висотстрой» трестида меҳнат қилиб келмоқда. Унинг актив иштирокида комплекс бригада ташкил этилди.

М. Ҳабибуллаев қурувчиликка оид барча касбларни мукаммал ўзлаштирган, шунинг учун ҳам зиммага олинган топшириқ ҳамиша шараф билан адо этилади. Коллектив В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи, «Ўзбекбирлашув» правлениеси каби ажойиб ва масъулиятли объектларни бунёд этишда иштирок этди. Бугунги кунда аҳил коллектив кўп қаватли ҳисоблаш маркази биносини бунёд этмоқда. Азаматлар беш йиллик планни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигу кунигача бажаришга аҳд қилиб, меҳнат қилмоқдалар.

Йигирма йиллик партия стажига эга бўлган коммунист М. Ҳабибуллаев бир неча маротаба трест партия комитети аъзоси қилиб сайланди, район партия комитетининг аъзосидир. Ўзининг партия группасида ҳурмат ва обрўга эга.

Район конференциясининг делегати, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери Мухтор Ҳабибуллаев ана шундай ажойиб инсон.

Фрунзе райони

ЯНГИ МАССИВЛАРДА УЙ ТЎЙЛАРИ

Фрунзе районида кенг миқёсда турар жой, социал ва маданий-маиший бинолар қурилиши олиб борилмоқда. Агар 1980 йилда турар жой қурилишининг ҳажми 51,7 минг квадрат метрни ташкил этган бўлса, 1982 йилда 75,3 минг квадрат метрни ташкил этди, бу йил эса 87,5 минг квадрат метрга етказилади.

Районнинг Кармелюк — Одесса, Абдуллаев, Саперная, ивановолик тўқимачилар, Грузовая кўчаларида янги турар жой массивлари бунёд этилди. Бунинг натижасида эса меҳнаткашларнинг турар жой шароитлари янада яхшиланди.

Учта болалар боғчаси, учта магазин, олтита ошхона, бир қатор ётоқхона ва ўқув юртлари бинолари қад кўтарди. Барча кўча ва майдонлар, боғ ва хиёбонлар янада чирой очди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

«Бутун идеологик, тарбиявий, пропаганда ишимизни ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида партия ҳал этаётган катта ва мураккаб вазифалар даражасига қатъият билан кўтариш зарур».

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВнинг КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумида сўзлаган нутқидан).

Шаҳар партия ташкилотида ҳисобот-сайлов кампанияси янги босқичга кирди — бугун Ленин, Чилонзор, Октябрь, Фрунзе, Киров районларининг партия конференциялари ўз ишини бошлади. Келгуси ҳафта охирида эса Ҳамза, Куйбишев, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Сергели районларининг партия конференциялари бўлиб ўтади. КПСС XXVI съездидан кейин биринчи марта уларда съезд қарорларини бажариш якунлари, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари кўрсатмаларини бажаришнинг бориши кўриб чиқилади, келгусидаги вазифалар белгилаб олинади. Бу конференцияларнинг минбаридан туриб сўзга чиқадиган делегатлар ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар тўғрисида сўз юритадилар, беш йиллик топшириқларини бажариш, мавжуд резерв ва имкониятларни қидириб топиш, социалистик мусобақани ривожлантириш, идеологик, тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича партия ташкилотлари фаолиятларини чуқур ва ишчанлик билан таҳлил этадилар.

«Партия раҳбарлигининг асосий бўғинлари бўлмиш КПСС район ва шаҳар комитетлари, — дейилади «Правда» газетасининг «Район ва шаҳар конференциялари» сарлавҳали бош мақоласида, — бевосита жойларда партия сиёсатини, унинг ғоялари ва режаларини амалий равишда рўёбга чиқариш учун масъулдирлар. Ҳисобот-сайлов конференцияларининг характери эришилган натижаларга таянгандай ёндошиш, янги юксак мақсадларга интилиш кайфияти билан белгиланиши керак. Ҳар бир партия комитетининг иши бугунги катта ва мураккаб вазифаларга тўла-тўкис мувофиқ келиши ёки келмаслигини, у уюшқоқлик ёки тартибни ҳамма жойда мустаҳкамлаш йўлини нақадар омилкорлик билан ўтказаётганини синчиклаб таҳлил этиш муҳимдир».

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, район партия ташкилотидан конференцияга ҳар бир киши иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажаришда муайян ютуқлар билан келди. Ун биринчи беш йилликнинг ўтган икки йилу ўн ой ичида Киров районида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 11 процент, Чилонзор районида — 26, Фрунзе районида — 8, Октябрь районида — 19,8, Ленин районида — 17,6 процент ўсди.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашё, материалларини тежаш, социалистик мусобақани ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулини кенг ёйиш, меҳнат интизомини, уюшқоқликни мустаҳкамлаш, ишга ижодий ёндошиш учун курашда партия ташкилотларининг роли каттадир.

Ун биринчи беш йилликнинг учинчи йилида бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари сингари тошкентликлар ҳам фидокорона ишладилар. Партия ташкилотлари меҳнат коллективлари куч-ғайратларини план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни ҳеч сўзсиз бажаришга сафарбар этмоқдалар. Коммунистларда ўз коллективларининг барча ишларига дахлдорлик туйғуси янада кучаймоқда. Аммо, ҳамма ҳам шундай бўлишига эришиляптими! Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасалар, хизмат кўрсатиш тармоқларининг делегатлари бугун партия конференцияларида ана шу ҳақда сўз юритадилар. Меҳнат унумдорлигини ўстириш, белгиланган объектлар қурилишини ниҳоясига етказиш, буюмлар сифатини яхшилаш, хўжасизлик ва талон-торожликка қарши кураш ёқилғини тежаш учун мусобақани авж олдириш ва бошқа масалаларга делегатлар ўз асосий эътиборларини қаратишлари шак-шубҳасиздир.

Ҳозирги конференциялар КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йилликнинг иқтисодий, социал-сиёсий вазифаларини амалга ошириш учун курашнинг ҳал қилувчи босқичида ўтаётганини делегатлар ҳисобига олиб, меҳнат активлиги ва ташаббускорликни янада кўтаришга, социалистик мусобақани ривожлантиришга, илғор тажрибаларни кенг ёйишга, фан билан ишлаб чиқариш алоқасини янада узвий боғлашга, техника ва технологияни ривожлантиришга ўз эътиборларини қаратадилар. Ўтган даврда ташкилий-партиявий ишлар янада такомиллашди, коммунистларнинг етакчилик роли ошди. Бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик усул ва методлари янада яхшиланди.

Амалга ошириладиган вазифалар эса ҳали кўп. Район партия ташкилотлари топширилган иш учун талабчанлик ва масъулиятни ошириш учун қатъият билан иш олиб борсалар, коммунистлар, совет ва хўжалик органлари ходимларидан ўз хизмат бурчлари ва Устав талабларини бажаришни янада қатъий туриб талаб қилсалар, олдинда турган вазифаларни бажариш мумкин.

ШАҲАРСОЗЛАР КЕНГАШМОҚДА

Кеча Тошкентда СССР Архитекторлар союзи ва Ўзбекистон Архитекторлар союзи шаҳарсозлик комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис СССР Архитекторлар союзи правлениесининг секретари, Бутуниттифоқ Марказий шаҳарсозлик илмий-тадқиқот институтининг директори профессор В. Н. Белоусов раислигида ўтди. Мажлисда Москва, Олмаота, Ашхобод, Душанбе ва Фрунзедан келган меъморлар иштирок этдилар.

Мазкур тадбир «ТашНИИПИ генплан»нинг ижодий йўналиши муҳокамасига бағишланган эди. Шу мавзуда институт директори Ф. Ю. Турсунов доклад қилди.

Докладчиларнинг нутқларида, шунингдек, музокараларда институтларнинг илмий-техника советлари ролига, ишлар тематикасига, уларнинг самарадорлиги ва амалда қўлланилишига, тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлигига эътибор берилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин Ўзбекистон пойтахтини реконструкция қилиш ва қайта қуриш, уни коммунистик меҳнат шаҳрига айлантиришнинг долзарб вазифалари ҳақида гапириб берди.

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 18 ноябрга бўлган маълумот.
(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ХОРАЗМ	0,16	106,28	0,16	60,59
ҚҚАССР	0,19	104,68	0,14	71,74
ТОШКЕНТ	0,37	102,14	0,12	86,71
Бухоро	0,60	92,21	0,01	8,22
Қашқадарё	0,83	89,66	1,12	63,01
Навоий	0,75	88,52	0,34	31,71
Самарқанд	1,05	88,40	0,89	48,39
Фарғона	0,76	84,44	—	8,93
Андижон	0,59	82,89	0,13	24,59
Сурхондарё	0,87	82,47	0,24	41,65
Наманган	0,80	81,81	0,16	48,29
Сирдарё	0,42	78,69	0,05	60,29
Жиззах	0,56	77,93	0,07	61,07
Республика бўйича:	0,63	88,62	0,27	47,66

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Эгамназаров, А. Хатамов, А. Абдураззоқовларнинг репортажини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Сирдарё ва Жиззах областларида Тошкент олий ўқув юртларининг студентлари пахта йиғим теримида зарбдорона меҳнат қилмоқдалар. Улар республикамизнинг юксак мажбуриятини бажариш — она-Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин» етказиб беришга ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: тошкентлик студентлардан Д. Махсумова; Г. Омонқулова ва Х. Ҳисомова; Г. Пирова. С. Хожиев ва Т. Каримов фотолари.

№ 7 Бугун—Ракета қўшинлари ва артиллерия куни

ВАТАНПАРВАР

«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.

• *Ветеранларнинг анъанасини асраб, бойитайлик*

Муносиб ўринбосарларни тайёрлайлик

Б. ЭРГАШЕВ,
уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секциясининг раиси,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

Меҳнаткашларни, айниқса ёшларни юксак маънавий-сиёсий руҳда тарбиялаш жуда муҳим вазифадир. Чунки ёшлар кўп ўтмасдан малакали мутахассис бўлиб етишишади ва шонли Қуролли Кучларимизнинг жангчилари бўлишади. Уларнинг камол топиши кўп жиҳатдан партия ва комсомол ташкилотларининг мақсадга йўналган фаолиятига боғлиқ. Инсонни ҳар томонлама камолга етиштирмасдан коммунизм қуришдек буюк ишни амалга ошириш қийин.

Совет кишилари томонидан коммунистик қурилишнинг барча участкаларида кўрсатилаётган ижодий ташаббускорлик партия ташкилотлари, комсомол, ветеранлар жамоатчилиги, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг меҳнаткашлар ва ўқувчилар орасида олиб бораётган жуда катта тарбиявий ишларининг самарасидир.

Партия таъсири ҳар бир шахснинг камол топиши ва шаклланиши, ҳар ишга қодир уюшқоқ коллективларни шакллантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида коммунистларнинг актив ҳаётий позициялари муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган. «Ҳар бир коммунист қаерда меҳнат қилишидан қатъий назар, Ленин партияси ғояларини пропаганда қилувчи ва амалга оширувчи сифатида иш кўриши, ўзининг бутун билимини, қалбининг бутун ҳароратини ана шу ғоят муҳим ишга бағишлаши лозим», дейилади қарорда.

Республикамиз пойтахти Тошкентдаги партия, меҳнат ва уруш ветеранларининг актив ҳаётий позициялари партия ташкилотларининг бевосита раҳбарлигида шакланмоқда. Улар катта уюштирувчи ва ташкил этувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Ўтган давр мобайнида улар томонидан меҳнаткашларни коммунистик, интернационал ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Партия, уруш ва меҳнат ветеранлари корхона, ўқув юртлари, муассаса, мактаб ва бошқа ташкилотларда меҳнаткашлар ва ўқувчилар ҳузурида «Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ўқиймиз ва курашамиз» деган мавзуда лекция ўқиш-моқда. Улар ўз докладларида президент Р. Рейган бошчилигидаги Америка Қўшма Штатлари сиёсатининг империалистик моҳиятини фош этишмоқда. Буржуазиянинг бузғунчилик сиёсатига коммунист ветеранлар социализм қўлга киритган ютуқларни пропаганда қилишни қарши қўйишмоқда. Улар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчликсевар сиёсатини кенг тарғиб қилмоқдалар. С. Аҳмедов, А. Водовозов, К. Зайнуллин, Б. Богдасаров, Б. Зайцев, А. Пирмуҳамедов, А. Мамажонов сингари ветеран пропагандистлар лекция таъсирчанлигини оширишда яхши натижаларга эришишяпти.

Шаҳримиздаги партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, шунингдек ДОСААФ комитетлари меҳнаткашларни ва ёшларни революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш билан мунтазам шуғулланишмоқда. Бу муҳим соҳада барча жойларда ўзига хос система вужудга келди.

Анъаналарнинг давомийлиги совет жамиятининг энг яхши хислатларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги ёш авлод ўзларининг ота-оналари кўрсатган қаҳрамонликлар билан фахрланиб қолмасдан, бу анъаналарни ишлаб чиқаришда, ўқишда, ҳарбий хизматда янада бойитишмоқда. Шаҳардаги барча районларда белгиланган планга мувофиқ Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, партия ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Совет турмуш тарзини, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмини пропаганда қилувчи тематик кечалар ташкил этилмоқда. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига бағишланган фотокўргазмалар, комсомол ва ёшларнинг революцион, жанговар ва меҳнат шонШуҳрати жойлари бўйлаб юришлари ташкил этилмоқда. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиляпти. КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашув ва унда ўртоқ Ю. В. Андропов сўзлаган нутқ мураббийчилик ҳаракатини янада жонлантириб юборди.

Партия комитетлари ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг самарасини доимо таҳлил қилиб боришмоқда. Улар бу борада бир хиллик ва расмиятчиликка йўл қўймасдан, ёшларни ўз юрти билан фахрланиш ва социалистик Ватанни ҳимоя қилишга ҳар дақиқада тайёр туриш руҳида тарбиялашмоқда. Уларнинг ҳаммаси кейинги пайтда яхши натижаларга олиб келди. Партия, комсомол ташкилотлари, ҳарбий комиссариатларнинг раҳбарлари, ДОСААФ ташкилотлари ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишига алоҳида аҳамият бера бошладилар. Районларда ҳар йили ўтказилаётган «Чақирилувчилар кунлари» оммавийлик касб этди. Бу кунлар Совет Иттифоқи Қуролли Кучларини янги қобилиятли кучлар билан тўлиш кўрнги бўлиб қолди.

Ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш уруш ветеранларининг асосий вазифаларидан биридир. Шу боисдан ҳам мактабларда «Зарница», «Орлёнок» сингари спортнинг ҳарбий турлари тобора оммалашиб бормоқда.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунига бағишлаб ўтказилаётган оммавий-мудофаа ишлари ойлиги ёшларни тарбиялашнинг энг таъсирчан формаларидан бири бўлиб қолди. Ойлик давомида шаҳарда спортнинг ҳарбий-техник турлари бўйича мусобақалар ўтказиляпти, лекциялар ўқилиб, суҳбатлар уюштирилятпти.

Улуғ Ватан урушида қўлга киритилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик авж олган ҳозирги пайтда партия, уруш ва меҳнат ветеранлари партия комитетларининг раҳбарлигида меҳнаткашларни ва ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда янги муваффақиятларга эришишга ўзларининг бутун куч ва билимларини сарфламоқдалар.

ОСМОН МУСАФФО БЎЛСИН ДЕБ

Кечга бориб, паға-паға булутлар қуюқлашиб осмон юзини қоплади. Сирли жимлик туфайли гўё ҳаво ҳам оғирлашиб қолгандек. Ракетачилар қўшинсиникига боришарди. У ерда концерт бўлади. Яна бир марта меҳмондорчиликни синаш учун боряпти. Ҳориб қолганлик учунми ёки момақалдироқ бўлишини сезганликлари учунми солдатлар ҳар ҳолда ҳазилмутойиба қилиб, кулишаётгани йўқ. Уларнинг нигоҳида жиддий лик. Бунинг сабаби бор эди, албатта.

Солдат ва сержантлар навбатдаги концерт номерини кўришга, прапоршчик ва офицерлар оқ ёқаларни тикишга улгурмаган эдилар. Шу пайт батареяга тайёргарлик кўришга буйруқ берилди. Бугунги иккинчи буйруқ эди бу. Прапоршчик С. Чуваев маррага биринчи бўлиб етиб келди, ефрейтор Г. Ҳамидуллин станция кабинасига шиддат билан кирди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгандан кейин борлиқни аппарат ва двигателларнинг овози тутиб кетди.

— Батарея тайёр! — Яшириб жойдан ана шундай овоз эшитилди...

Бугунги «Батарея тайёр» қатъий докладининг заминида катта маъно бор эди. Бунга эришиш учун жуда кўп соатлар сарфланган, яхши ишлар амалга оширилган, бутун ҳаракат бир мақсадга қаратилган эди. У ҳам бўлса, жанговар тайёргарлик даражасини ошириш. Бунга жон куйдириб машқ қилиш, топшириқлар ва нормативларни бажариш учун ўтказилган мусобақалар, ҳар хил беллашув ва конкурслар, партия ва комсомол йиғилишларини қўшимча қилиш керак. Бу сўзнинг заминида, шунингдек, капитан М. Слинько, катта лейтенантлар А. Гончаров, А. Матвеев, С. Мадрусов ва бошқаларнинг ўнлаб уйқусиз ўтказган кунлари бор.

Ҳарбий тайёргарликка ғамхўрлик — одамларга ғамхўрликдир». Батарея фаолиятини қисқа қилиб ана шундай ифодалаш мумкин. Дарҳақиқат, фақат турмуш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатилмайди, маънавий камолатга эришишга ҳам катта аҳамият берилади.

Солдат ва сержантлар ўтган йилни хотирлашар экан, беихтиёр янги йил байрамини эсга олишади. Чунки офицерлар бу байрамни шундай ташкил этилдики, унинг қатнашчилари узоқ масофани ёддан чиқариб, ўзларини худди уйдагидек ҳис қилишди.

Капитан М. Слинько «Биз жанговар қўриқчилигимиз учун нон еймиз», деган жумлани такрорлашни яхши кўради. Бу билан у батареянинг асосий вазифасини таъкидлайди. Шу боисдан ҳам бу ерда «душман»нинг «ҳужуми» тезтез бўлиб туради. Асосий мақсад хушёрликнинг юксак даражада бўлишига эришиш.

Бир марта батарея 8 соат давомида кучайтирилган режимда машқ қилди. Аппаратлар қизиб кетди, аммо ракетачилар синовдан муваффақиятли ўтишди. Кейин эса генералдан раҳматнома олинди.

Батареяга тарқалиш командаси берилганида қоронғи туша бошлаган эди. Навбатчи расчётлар концертни охиригача кўра олишмади. Улар кечки овқатни еб бўлганларидан кейин палаткалар томон йўл олишди. Жанговар вазифани бажаришга киришдилар.

В. ГЛЕЗДЕНЕВ,
майор.
Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи.

• *Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилишмоқда*

АЪЛОЧИЛАР САФИДА

Тошкентлик катта сержант Манноп Орифжонов бизнинг қисмимизда хизмат қилади. У дастлабки кундан бошлабоқ ўз бурчини шараф билан бажармоқда. Ҳар бир ишда ташаббус кўрсатиб, бўлинма жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда.

Ҳарбий ҳайдовчилик касбини мукаммал эгаллаб олган М. Орифжонов ўз тажрибасини ёш жангчиларга қунт билан ўргатяпти. Ёшларга ҳарбий касб сирларини тез эгаллашда кўмаклашмоқда. Шу боисдан ҳам қисмдагилар уни фақат командир сифатидагина эмас, ҳар дақиқада ёрдамга келишга шай бўлган ҳақиқий инсон ва дўст сифатида ҳурмат қилишади.

Катта сержант М. Орифжонов талабчан командир. Бу талабчанлик ҳарбий интизомга қатъий амал қилиш, хизмат бурчини нуқсонсиз бажаришга асосланган.

Ўз хизмат бурчини виждонан бажарганлиги, касбини мукаммал билиши ва машқ пайтида юқори натижалар кўрсатганлиги учун Манноп Орифжонов бир неча марта қисм командирларидан ташаккурнома олди. У ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочиси ҳисобланади.

Мен М. Орифжонов хизмат қилаётган бўлинманинг командири ва сиёсий ходими сифатида ўз ҳарбий бурчларини намунали бажараётган жангчилар орасида серқуёш Ўзбекистон фарзанди катта сержант М., Орифжонов ҳам борлиги билан фахрланаман.

В. МИЛЮТИН,
бўлинма командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.
Н-қисм.

Қизил байроқли Прикарпатье ҳарбий округи. Н-қисмининг ракетачи жангчилари ўзларининг байрамини ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда яхши натижаларни қўлга киритиш билан кутиб олишди. Улар кундалик машғулотларда, полигонларда ўзларининг маҳоратини такомиллаштиришмоқда.
СУРАТДА: аълочи расчёт командири лейтенант Азат Рубцов (ўнгда) расчёт аъзолари (чапдан-ўнгга) сержант Василий Долженко, оддий жангчилар Валерий Поспелов ва Сергей Корчакларга топшириқ бермоқда.
В. Песляк фотоси. ТАСС фотохроникаси.

• *Бугун—Тошкент тўқимачилик комбинатида*

Гўзаллик яратувчилар

Тўқимачилик ишлаб чиқаришида раклистлар касби алоҳида эъзозланади. Сабаби, пардозлаш фабрикаси, гул босиш цехи республикамиз тўқимачилик саноати бўйича ягона цехдир. Республикамизда а г и турли саноат корхоналарининг буюртмалари шу цехга келиб тушади. Бу ердан 620 ва 537-артикулли сатин, «Зулфия», «Блинка», «Астра» мальмал каби газламалар нозик дидли харидорлар буюртмаси бўйича юқори сифат билан тайёрланиб, область ва шаҳарларга йўл олади.

Газламага сифатли гул туширишда, муҳимми, безакларни танлай билиш ҳам ўзига хос бир санъатдир. Шу маънода раклистларни нозик санъат соҳибларига қиёс этиш ўринлидир. Ҳар куни улкан гул босиш машиналари қошида валларга ўйиб ишланган нозик жилолар ва турфа ранг гуллар аксини кўркам матоларга кўчириш ҳар бир нусхадан нигоҳ узмай, безакларнинг ўз ўрнига туширишни кузатиш — осон иш эмас, албатта.

Бинобарин, қўли гул раклист йигитлар бу ишни шараф билан уддалашмоқда.

Цехда мавжуд бригадалар меҳнатнинг янги, самарали усулига ўтиб ишлаб, бир мунча қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Ана шундай бригадалардан бири Александр Бурмистров бошлиқ коммунистик меҳнат коллективидир. Бу коллектив аъзолари ўзаро баҳамжиҳат, аҳиллик ва ҳамкорлик асосида меҳнат қилишади. Бригадада тўрт аъзо бор. Раклистлар А. Бурмистров, З. Юсупов, ғилофловчи Н. Скорохватова ва назоратчи А. Скорохватовалар «Коммунистик меҳнат коллективи» шарафли номини зарбдорона меҳнатлари билан оқлаб келишмоқда. Раклистлар кунига нормада белгиланган 18—19 минг метр ўрнига 20—22 минг метр газламага сифатли гул туширишмоқда. Бу бригада социалистик мусобақада ҳам пешқадам бўлиб, топшириқни ҳамиша 110 — 115 процентдан бажармоқда. Бригада эришаётган муваффақиятларда коммунистлар роли беқиёсдир.

Мазкур бригада цехдаги Р. Баязитов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси билан мусобақалашмоқда. Р. Баязитов етакчи бўлган коллектив асосан ёшлардан иборат бўлиб, улар «Намунали комсомол-ёшлар коллективи» шарафли номи учун курашишмоқда. Бригада кунига 22 минг метрга яқин газламага сифатли гул босади.

Цехнинг пешқадам раклистлари И. Тумаев, Н. Эрметов ва К. Ражабовлар номи тўқимачилар орасида фахру- ифтихор билан тилга олинади.

Ҳозирда бу илғорлар янги 1984 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот топширишмоқда. Улар мастер Владимир Бурмистров бошлиқ сменада меҳнат қилишади. Бу смена ҳам ёшлар сменаси саналади. Смена мастерининг ўзи цех партгруппорги ҳамдир. У ёш коммунистлар билан алоҳида иш олиб боради. Цехда мавжуд «Ёш коммунистлар мактаби»да ёшлар билан қизиқарли машғулотлар ўтказади.

Цехда прогулчилар ва қолоқликка бутунлай чек қўйилган. Меҳнат интизомини бузувчилар ҳам мутлақо йўқ. Коллектив аъзоларининг ҳаммаси бугунги кунда йиллик планни муддатидан илгари адо этиб, зиммага олган социалистик мажбуриятларни ҳам шараф билан бажаришдек қутлуғ ният йўлида тер тўкмоқда.

Гул босиш машиналаридан аравачаларга оқиб тушаётган турли хил газламалар жилоси кўзни олади. Бунда энг гўзал гуллар акси, рангларнинг жилваси мужассам. Беихтиёр ҳаваси келади кишининг. Назаримда ана шу гўзал матолар жилвасида раклист йигитларнинг ойдин толелари ҳам мужассамдек туюлади...

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
19 НОЯБРЬ, 1983 й.

ОЛТИ МИЛЛИОН ЙЎЛЛАРИДА

49. Индира ва унинг дугоналари

Индира Мирхожиева Жиззах область Дўстлик районидаги 11-совхозда барча дугоналарига ўрнак бўлмоқда. Тошкент политехника институти химия-технология факультетининг 1-курс студенти, ўрта бўйли, истараси иссиқ бу қизга отаси — шу институтнинг ўқитувчиси Ҳамид ака ва онаси — аптека ходими Офтобхон опа яхши ният билан Индира деб исм қўйишган экан. Оёқ-қўли чаққон, юрагида ўти бор бу қиз мана биринчи курсда-ноқ чўл пахтакорлари ва ҳашарчилар оғзига тушди.

— Кунига қанчадан подбор теряпсиз?—сўрадик ундан.

— Масалан, кеча 96 килограмм тердим. Бугун тушгача 40 килограмм тошиндим. Мўлжалим кечагидан ошириш, — деди у кулимсираб.

Индирани Улуғ Октябрь байрами кезларида илғор теримчи сифатида совға билан мукофотлашди. Шу кунларда эса у фақатгина ўзи намуна бўлибгина қолмай, балки бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштирмоқда. Нигора Раҳматуллаева, Муяссар Умарбекова, Клара Имомаддинова, Гулнора Ҳидоятова Индирага тенглашмоқдалар.

— Ўйни соғинмаяпсизларми?— деган саволимизга қизлар баббаравариг: «Худди уйдагидек юрибмиз», — дейишди.

Дарвоқе, қизлар шинам ва ёруғ мактаб биносида истиқомат қилишади. Мактаб биноси буғ билан иситилятпти. Барча шароитлар яратилган. Қизларнинг икки юзи қип-қизил олмадек, юзларидан табассум аримайди. Далаларда эркин яйраб юришибди. Ҳазил-мутойиба жойида. Уларни эрталаб автобусда далага олиб боришади ва кечқурун олиб келишади. Химия фанлари кандидати, доцент Исроил Исмонлов уларга бош-қош.

— Беш йилдан бери факультетимиз студентлари шу ерга ҳашарга чиқишяпти,— деб ҳикоя қилади у.— Ленин номли совхоз раҳбарлари доимо ҳол-аҳволимиздан хабардор бўлиб туришади. Бундан ташқари Тошкентдан келиб, тез-тез кинофильмлар қўйиб беришяпти. Яқинда афғонистонлик артистлар концерт программаси кўрсатишди. Факультетимиз студентларини 13 та бригадага бўлганмиз. Ўртача ҳар куни 52—55 килограммдан подбор теришяпти. Бугун 3-бўлимнинг Мансур Мирзаев бригадасидаги ҳашарчиларнинг ҳар бири 60 килограммдан подбор териб беришга аҳд қилишган.

Абдурайим Акмалов бошчилик қилаётган зарбдор бригадани алоҳида тилга олиб ўтиш керак. Бу бригадада 6 нафар йигит бор. Уларнинг ҳар бири кунига 100 килограммдан ортиқ подбор териб беришяпти. Бу ҳозирги дала шароитида жуда яхши кўрсаткич ҳисобланади. Неъматилла Жумаев, Расул Хўжанов, Гулмуҳаммад Ураимбетов, Феруза Раҳматуллаева ва бошқалар теримда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Факультетнинг Тоҳир Аъзамов ва Шавкат Нуруллаевлар бошчилик қилишаётган пешқадам бригадалари мавсум охиригача вимпелни қўлдан бермасликка аҳд қилганлар.

Студентлар меҳнат қилишни ҳам, дам олишни ҳам ўрнига қўйишяпти. Оқшом тушиши билан куни бўйи теримда қатнашган студентларни танимай қоласиз. Уларнинг бири қўлига рубоб олиб, дилрабо қўйлар ижро этса, иккинчиси ёқимли қўшиқ куйлайди, учинчиси жонон рақса тушади. Бу ерда студентлар ҳаваскорлик тўгараги ташкил қилишган. Масалан, Фарҳод Мадиёровнинг гитарада ижро этган қўшиқлари бутун факультет студентларига манзур бўлмоқда. Рақсларнику қўяверинг, ўйинга тортилмаган йигит ёки қиз қолмайди. Бу ерда ҳамма айни пайтда ҳам томошабин, ҳам ижрочи. Қизларнинг ичида ўйнини билмайдиганлари йўқ. Хуллас, коллектив жуда аҳил ва қувноқ. Меҳнат романтикаси деб ана шуни айтса бўлади! Йигит ва қизлар кунларнинг қандай ўтаётганини ҳам билишмаяпти. Негаки, бу ерда улар истаган нарса муҳайё. Теким ташкилотчилари ҳамма нарсани ҳисобга олишган. Ҳатто «Инженер-химик» деворий газетаси ҳам жуда хафсала билан тайёрланади. Буларнинг ҳаммаси студентлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Энг муҳими эса уларнинг кайфиятини кўтараётган — улар истиқомат қилаётган мактаб биноси пештоқидаги ҳилпираб турган қизил вимпелдир. Студентлар эрталаб далага отланишаётганда хаёлан «Вимпелга содиқ қолямиз!» дейишади. Далада қайтишганда эса «Сени ҳеч кимга бермаймиз!» деган сўзларни эшитиш мумкин. Уларнинг шиори битта: у ҳам бўлса то республикамиз пахтаси 6 миллион тонна бўлмагунча пахтазордан кетмаслиқдир!

* * *

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти студентлари Мирзачўл районидаги «Тошкент» ва «Абай» номли совхозларда меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: институтнинг Абай номли совхозда меҳнат қилаётган енгил саноат факультетининг пешқадам студентлари (чапдан-ўнгга) Гулнора Душинёзова, Дилором Бойчибоева, Гулсара Жўрақуловалар. Улар ҳар куни хирмонга 180—200 килограмм подбор тўкишяпти.

Юқоридаги суратда Дўстлик районидаги «Ленин» номли совхозда пахта тераётган ТошПИ химия-технология факультетининг студенти Феруза Раҳматуллаевани кўриб турибсиз. Бу қиз ҳам теримда дугоналарига намуна бўляпти.

Т. Каримов фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДАВР ВА МОДА

Одамлар қадим-қадимдан бошлаб ўзларининг ташқи кўринишларига эътибор бериб келганликларини ҳамма ҳам билавермайди. Бу борада ўша давр эркаклари аёллардан кам даражада ташвиш тортишмасди. Греция тарихчиси Плутархнинг ҳикоя қилишича, форслар доҳийси Суренас қачонки, буюртма ғилоф сочи тайёр бўлгандан кейингина римликлар билан бўлган жангга кирганди.

Қадимги вақтда одамнинг ташқи кўриниши унинг жамиятда тутган ўрнини белгилаб берган. Озод германлар узун соч қўйишган, қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар калта, руҳонийлар эса сочларини тозалаб, қиртишлаб юришган. Аёллар ҳар хил рангдаги париклар кийишган, кўзларини қора ёки кўк рангга бўяб юришган.

Қадимги Мисрда айниқса, қўл ва оёқ кафтларини қизил бўёққа бўяб юриш мода бўлган. Бироқ ювиниш ва ванна қабул қилиш оммавий бўлмаган.

АРИ СУВАРАККА ҚАРШИ

Массачусетс (АҚШ) университетининг олимлари Рой Ван-Дришс билан Джозеф Элкинтон тажриба ўтказаётган ҳашаротлар орасида суварак оралаб қолди. Уни йўқотадиган одатдаги заҳарли препаратлар ишлатилгудек бўлса, суваракларга г и н а эмас, балки текширилаётган ҳашаротларга ҳам қирғин келади.

Энтомологлар аввал лабораторияда қанча суварак борлигини аниқлашга киришишди. Шу мақсадда суваракнинг бир нечтаси тутиб олинди ва улар белгиланиб яна қўйиб юборилди. Орадан бир оз вақт ўтиб, суваракнинг яна бир галаси тутилиб, уларнинг белгилари санаб чиқилди. Белгиланган суваракларнинг бошқа суваракларга қўшилиб, аралашиб кетаверди. Шу йўл билан уларнинг умумий сонини ҳисоблашга муваффақ бўлишди: лабораторияда бир ярим-икки минг суварак бор экан.

Шундан сўнг иккала тадқиқотчи компания деб аталадиган майда арини ишга солишди. Маълум бўлишича, бу ари ўз тухумини суваракнинг пилласига қўяр, арининг тухумдан чиққан қурти суваракнинг тухумини ер экан.

ҚАРИЯЛАРГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Нью-йорклик ёш социолог Пат Вильямс бир ҳафта муддат ичида кампир кўринишида яшади. У ночор кийим-кечакда ҳассага таяниб шаҳар кўчаларини кезди. Транспортда юрди, магазинларга кириб савдо қилди. Унинг бу экспериментдан мақсади америкаликлар қарияларга қандай муносабатда бўлишини амалда исботлашдан иборат эди. Шу қисқа муддат ичида унга 2 марта ҳужум қилишди. Икки марта сумкасини қўлидан тортиб олишди. Бир марта эса роса дўппослашди. Унинг сўзига қараганда, бу «бечораҳол кампирга» фақатгина такси ҳайдовчилари жонкуярлик қилишган. Уни бир неча бор манзилига бепул элтиб қўйишган.

ЮБИЛЕЙ ТАНГАСИ

Миср жаҳонда жуда кўплаб юбилей тангалари ишлаб чиқарадиган мамлакатлардан биридир. Яқинда бу ерда Қоҳира университетининг ташкил этилганлигининг 75 йиллиги муносабати билан яна бир янги танга муомалага чиқарилади. Бу кумуш танга бўлиб, қиймати беш Миср фунтига тенг. Маҳаллий газеталарнинг хабар қилишича, тангаларнинг бир томонига университет биноси ва унинг эмблемаси тасвири туширилади. Иккинчи томонидан эса мусулмон ва христиан календарлари ўрин олади.

АҲВОЛ ҒОЯТ АЯНЧЛИ

ЛОНДОН. Лондондаги Брент райони кенгашининг аъзоси Ж. Райан шу районда уй-жой соҳасидаги аҳволни ғоят аянчли, деб атади. Унинг сўзларига қараганда, бу ерда 1 минг 300 дан кўп оила бошпанасиздир. Яна 15 минг оила қулай-қулай деб турган уйларда яшамоқда.

Брентдаги аҳвол бутун мамлакатда уй-жой соҳасидаги танглик нақадар кенг кўлам касб этганлигини ёрқин намойиш этади. Ҳозирги вақтда Англияда уй-жой қурилиши ҳажми 1920 йилги даражадан ҳам пасайиб кетган, ишсиз қурувчилар эса 400 минг кишига етиб қолган. Англия ва Уэльсда 1200 та уй расмий равишда яшаш учун ноқулай деб топилган. Яна 4 миллионтадан ортиқ бино шошилинч ремонтга муҳтождир. Айни вақтда консерваторлар ҳукмронлиги йилларидагина квартира учун тўланадиган ҳақ икки баравардан знёд қиймматлашди.

Тошкент тарихини биласизми?

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИК ИЛДИЗЛАРИ

Қадим замонлардаёқ халқимиз қўшни мамлакатлар билан алоқа боғлашган. Бундай алоқаларни олиб боришда, асосан савдогарлар кўпчиликни ташкил этган эди. Савдо карвонларидаги моллар билан бирга халқ орасида машҳур латифа-ю, риваятлар ҳам элма-эл кезган. Эртаклар ва достонлардаги қаҳрамонлар бир халқ доирасидан чиқиб, кўплаб халқлар оғзаки ижодидан ўз ўрнини эгаллаган, Фарҳод ва Ширин, Тоҳир ва Зуҳра, Гўрўғли, Алпомиш, Манас шулар жумласидандир.

Бундан минг йиллар муқаддам Ўрта Осиё халқлари ўртасида бир одатга қатъий риоя қилинар эди. Бола олти ёшга тўлганда унга савод ўргатилиб, балоғатга етгач, узоқ сафарга жўнатилган. Узга эллар билан савдо-сотиқ ишида Бухоро, Самарқанд шаҳарлари қатори Тошкент ҳам муҳим ўрнини эгаллади. Савдо карвонлари билан олис юртларга омад излаб йўлга чиққанлар ҳам, турли сабабларга кўра юртини тарк этишга мажбур олимлар, шоирлар ва уламолар ҳам бўлган. Тошкентдан кетиб узоқ элларда донг таратган ҳунарманд, шоир, саркардалар, олимлар номи тарихий манбаларда тилга олинади. Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳон ёнидаги саркарда, сўнг вилоят ҳокими мансабида узоқ йиллар ишлаган Юсуф Муҳаммадхон, ўз илм-тафаккури билан Бобур неваласи—Акбаршоҳни мафтун этган Мавлоно Саъид Туркистоний, қасида жанрининг моҳир устаси, ўз шеърий девонини тузган Мерожий Тошкандий шулар жумласидандир.

Истеъдодли олим, шарқшунос Илёс Низомиддинов ўзининг нашрга тайёрланаётган «Диёрдан узоқда» монографиясида шундай тошкентлик шоир, олим ва саркардаларнинг Ҳиндистондаги фаолиятини кўрсатиб ўтган. Улардан Ҳиндистонда энг машҳури XIV асрда яшаган Бадр Чочий ёки Бадриддин Чочий эди. Тошкентлик шоир ва уламо Бадриддин Тошкентда туркий (ўзбек) тилда шеърлар ёзган бўлса, тақдир тақозоси ила Ҳиндистонга келгач форсий шеърлар битган. У олти минг байтдан иборат девон тузган. Ҳиндистонлик тарихчи Бахтовархон маълумотига кўра Бадр Чочий Деҳли султони Муҳаммад Тўғлиқ (1320—1325) номига бағишлаб 35 минг байтдан ташкил топган «Шоҳнома» ёзган. Ҳиндистон олими Ғиёсиддин бинни Жамолиддин 1840 йили Бадр Чочий шеърларига шарҳ — «Кашфул асрор» («Сирларни очувчи») номли асар ёзади. Чочий шеърлари бизгача турли тўплам ва баёзлар орқали етиб келганки, улардан баъзиларининг нусхалари Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади.

Бадриддин Чочий Ҳиндистонда ўз шеърлари билан шундай шуҳрат қозонганки, унга ҳатто «Маликуш шуаро» («Шоирлар амири») олий унвони берилган. Замон фахри «Фахруззамон» деб улуғланган тошкентлик шоир Бадриддин Чочий 1335 йилда она шаҳридан узоқда —Ҳиндистонда вафот этди.

Тошкентликлар Шарқ мамлакатлари қатори Шарқий Европа, хусусан Россияда ҳам кўп бўлишган. Археологлар Новгород шаҳри атрофидан кўпгина Ўрта Осиё пуллари — кумуш тангаларни топишгани ҳам диққатга сазовордир. Тошкентнинг Европа мамлакатлари, шу жумладан Россия билан алоқалари кўҳна ўтмишга бориб тақалади. Аммо аниқ тарихий маълумотлар XVI аср воқеаларига оид хроник манбаларда учрайди.

1561 йилда Тошкент ҳокими Дарвишхон номидан Москвага махсус элчилар юборилган эди. Худди шундай элчилик 1575 йилда ҳам Тошкентдан жўнатилган. Тарихчи Соловьевнинг «Россия тарихи» биринчи китобида ёзилишича, бундан анча илгарироқ — XV асрда, 1490 йилда Москвага Хирот султони Ҳусайн, яъни бизга маълум ва машҳур Ҳусайн Бойқаронинг элчиси келади. Алишер Навоий яшаган замонда унинг тождор дўсти Султон Ҳусайннинг Москва билан алоқа боғлаганини кўрсатувчи бу манба ҳақиқатга қанча яқин—аниқ эмас. Академик В. Бартольд фикрича, ўша замонда савдогарлар ҳам подшо элчиси сифатида ўзини кўрсатишлари табиий ҳол эди. 1532 йилда Москвада пайдо бўлган хўжа Ҳусайн деган шахс ўзини Заҳириддин Муҳаммад Бобур элчиси деб таниганги ҳам диққатга сазовордир.

Шуниси эътиборга лойиқки, XVI асрнинг иккинчи ярмида Россия Қозон ва Астраханни босиб олгандан сўнг, Москванинг Ўрта Осиё хонликлари билан алоқаси кучаяди. 1559 йилда Бухоро, Балх ва Урганчдан Москвага элчиларнинг келиши билан ўзбек хонликлари ва Россия ўртасида дипломатик алоқалар бошланади. 1619 йилда Хива ва Бухоро хонлари элчилари Москвадан кетаётганда Россиянинг жавоб элчилигига Иван Хохлов бошчилик қилади. Хохлов Хива ва Бухорода бўлгач, Россияга қайтиш арафасида Хива хони ўғли Афғон Султон рус подшосига хизмат қилиш истагини билдиради. Афғон Султон Хохлов билан Москвага кетади. Бу хонзода қарийб ўттиз йил рус подшоси хизматида бўлади.

1698 йилда Москвада биринчи марта Ўрта Осиё харитаси пайдо бўлди. Бу харитани бояр Семён Ремезов тузган эди. Узбек хонликлари территорияси халқлари, табиий бойликлари ҳақида анчагина маълумот тўплаган Россия ҳукумати ўзбек хонликлари билан савдо-сотиқ, дипломатик алоқаларни кучайтиришга алоҳида диққатни қаратади. Тошкент, Бухоро, Урганч каби қатор шаҳарларда рус элчиларидан ташқари хусусий савдогарлар ҳам пайдо бўлишади.

Тошкент —Россия муносабатларида катта роль ўйнаган савдо алоқалари ва элчиликлар икки халқни бир-бирини яхши билиб, ўзаро алоқани кучайтиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тошкент тарихида шундай воқеалар, шундай шахслар бўлганки, улар худди тверлик савдогар Афанаси Никитиннинг «Уч денгиз оша саёҳат» каби қизиқарли асарларга мавзу ва мазмун бўла олади.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.



СУРАТДА: Ҳамид Олимжон номидаги майдонда қад кўтараётган «Китоблар дунёси» магазинининг лойиҳадаги кўриниши.

• *Шаҳрим—фахрим*

«Китоблар дунёси» қандай бўлади?

Пойтахтимизнинг «Дўстлик» турар жой комплексида кўкка бўй чўзган тўртта осмонўпар бино ўзининг беқиёс гўзаллиги билан шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари диққатини тортмоқда. Ҳозир ана шу муҳташам уй-жой комплекси ёнида икки қаватли улкан «Китоблар дунёси» магазини қад ростламоқда. Тўртта улкан турар жой биносини бир-бирига туташтирган ҳолда қурилаётган ана шу комплексда «Бадний буюмлар» магазини ва Марказий омонат кассаси ҳам жойлашади. Унинг лойиҳасини «Ташгипрогор» институти 4-устахонаси ижодкорлари яратишди. Авторлар коллективи раҳбари Тошкент шаҳрининг бош архитектори С. Р. Одилов, лойиҳа бош архитектори Э. А. Исҳоқбоев ва бош инженери Н. Ш. Тереховлар бу бино ҳар жиҳатдан гўзал ва замонавий бўлишига, унда китобхонлар учун катта қулайликлар яратишга аҳамият бердилар.

Магазиннинг 2200 квадрат метр савдо майдони бўлиб, деворлари монументал-декоратив безаклар билан сайқалланади, ёғоч ўймакорлиги нақшларидан фойдаланилади. Сопол паннолар, ранг-баранг интерьерлар, фойеда эса манзарали фавворалар ўрнатилади. Бу жойда магазинга харидга келган китобсеварлар дам олиши, сотиб олган янги китоблари билан танишиши мумкин.

Магазинниг биринчи қаватида савдо залларидан ташқари Ҳамид Олимжон номидаги клуб ҳам жойлашади. Бу ерда китобсеварлар шоир ва ёзувчилар билан учрашишлари, турли мавзуда суҳбатлар ўтказишлари мумкин. Китоблар ва плакатларнинг кўргазмаларини ҳам ана шу клубда ташкил этиш кўзда тутилган. Бинонинг иккинчи қаватида ҳам кенг савдо залари жойлашган.

Лойиҳа авторлари «Китоблар дунёси» магазинининг бу ердаги ободончилик объектлари, турар жой комплексларига ҳар жиҳатдан уйғун бўлишига ва қулай жойлаштирилишига катта аҳамият бердилар. Келгусида магазин Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчасига олиб чиқиладиган ер ости йўлаги билан ҳам туташтирилади.

Бир сўз билан айтганда Ҳамид Олимжон номидаги майдонда қад кўтараётган «Китоблар дунёси» магазини шаҳримиз қиёфасига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушади.

Шанба оқшоми

• Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

ҚУЛАЙ ВА ЧИРОЙЛИ

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг автобус ва таксо паркларида янги, замонавий транспортлари сони ойдан-ойга кўпайиб бормоқда. Бугунгача бошқармага «ГАЗ—24» маркали «Волга» машиналардан 591 та келтирилди. Йил охирига қадар яна 285 та олинади.

Йўловчилар кўп кетадиган «ЛиАЗ—677» маркали автобуслардан ўн бир ой ичида ўн бешта олинди. «ПАЗ—677» маркали машиналардан ўн тўққизта келтирилди.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида «ЛАЗ—695 н» маркали автобусдан 106 та, «МАЗ—699» маркали машинадан бешта, «ЛАЗ—4202» маркали транспортдан 40 та, «Икарус—260» маркали Венгрияда ишлаб чиқарилган кенг ва қулай машиналардан 86 та, «Икарус—280» маркали машинадан эса 45 та ва «РАФ—2203» маркали қулай маршрутли таксилардан 80 та келтирилди.

• БУГУН ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ҚИЗИҚАРЛИ ТОМОШАЛАР

Тошкент циркида москвалик цирк артистларининг гастроли муваффақиятли ўтмоқда. Ҳар куни кечқурун РСФСР халқ артисти, Европа иллюзионистлар лигасининг олтин таёқчаси совриндори Илья Символоков манежга чиқмоқда. Тошкентлик томошабинлар ҳузурига цирк жанрининг барча турлари усталари: «Романтика» акробатчилар ансамбли, дорбозлар, фигурачилар, чавандозлар ташриф буюришган.

Томошабинларга сиртмоқ ва қамчин билан бажарилиадиган ўйинлар ҳам жуда ёқиб қолди. Мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ циркларнинг артистлари ана шундай оригинал ўйинлар билан томошабинларни мамнун этишмоқда. Бу ерда Тошкент манежида Наталья ва Виктор Блайсваслар сиртмоқ ва қамчида бажариладиган ажойиб номерларни ижро этишяпти. Биз Москва цирк усталарининг янги программаси кўйилиши арафасида ана шу энг оригинал жанр ижрочилари билан суҳбатлашдик.

Манежда эр-хотин Блайвеслар нималарни бажаришмади, дейсиз. Қамчи билан алангани ўчиришади, ёнаётган қоғозни оғзиларига солишади. Бу ерда маҳоратдан ҳам кўра ўзини тута билиш, ирода ҳам зарурлигини ҳис этасиз. Улар ўз ишларини шунчалик чаққонлик билан бажарар эдики, томошабинлар узлуксиз қарсак билан олқишлашарди.

Виктор Блайвас Тошкентдаги цирк санъати студиясини битирган, таниқли акробат бўлган. СССР спорт мастери, мамлакат ва республика чемпионларидир. 1968 йили цирк соҳасида ишлай бошлади.

— Мамлакат биринчилигидан сўнг меҳи Иван Иванович Федосов циркка таклиф этди, — дейди В. Блайвас. — В. Хелая раҳбарлигида акробатик машқлар бажара бошладим. Аслида цирк менинг ёшлигимдан ўзимга чорлаб келади. Албатта, ёшлигида ким ҳам цирк манежида мўъжизалар кўрсатишни орзу этмайди, дим. Чўпонлар, оддий меҳнаткашларнинг бу борадаги тажрибаларини манежда санъаткорона кўрсатиш учун ўзимни тайёрлай бошладим, Дастлаб жуда қийин бўлди. Шундай бўлсада, уни муваффақиятли эгаллаб олдим.

Томошабининг олқиши бу энг юксак мукофотдир. Эсимда, Душанба шаҳрида машқ кўрсатаётганимизда парда ортига аргентиналик бир киши мени йўқлаб келди. У даҳшонли овозда менинг машқларимдан ҳайратга тушганлигини айтиб, миннатдорчилик билдирди.

Дастлаб бир ўзим томоша кўрсатардим. Кейинчалик Наташа ҳам мен билан баб-баравар чиқа бошлади. У аслида программа тузувчи инженер, катта спорт ва манеждан йироқ бўлсада бу ишга жуда астойдил киришиб кетди...

Ёнимга Наташа қўшилгандан кейин янги-янги номерлар тайёрлаш, репертуаримни бойитиш имкониятн юзага чиқди.

Шуни айтиш керакки, Виктор қўлда узун сиртмоқ билан умбалоқ ошадиган жаҳонда ягона ижрочидир. Наташа ҳам оригинал номерлар яратди. У жуда ҳар хил ҳаво шарларида қизиқарли ўйинлар кўрсатади. Сиртмоқдан аргамчи сифатида фойдаланиш машқлари ҳам осон эмас.

Келгуси йили улар Венгрияга ижодий сафар билан боришади. Болаларингиз санъатингизга қандай қарашади деган саволимизга улар шундай жавоб беришди:

— Болалар ҳам циркни, санъатимизни жуда-жуда севишади, машқларимизни мунтазам ўрганиб боришади. Уларнинг мақсади ҳам келгусида томошабин олқишига сазовор бўладиган маҳоратли цирк усталари бўлиб етишишдир.

Э. АДАЙКИНА.

СУРАТЛАРДА: москвалик цирк усталарининг чиқиши.

• АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

ЯНГИ МАРШРУТ

«Главташпасавтотранс» бошқармаси йўловчиларга қулайлик туғдириш мақсадида янги маршрутлар сонини тобора ошириб бормоқда. Яқинда Юнусобод массивининг Аҳмад Дониш кўчасидан Марказий бозорга қатнайдиган янги 97-маршрут ишга туширилди. Янги маршрут Юнусобод массивидан Ишчилар шаҳарчаси орқали Ленин кўчаси бўйлаб ўтиб, Марказий бозорга боради.

• БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

ҒАРОЙИБ ТАЖРИБА

Америка Қўшма Штатларидаги Калифорния университетининг Ж. Жонсон ва К. Хаген деган ҳашаротшунос олимлари капалаклардан бир турининг ҳаёт тарзи ҳамда хатти-ҳаракатларини икки йил мунтазам ўрганишди. Буни қарангки, капалак чирган дарахт кавагидаги қирчумолиларнинг уясига тухум қўяр экан. Ўй эгалари бўлмиш қирчумолилар капалак қуртидан бир неча баравар катта бўлса-да, лекин унга ҳужум қилмайди.

Тук билан қопланган капалак қуртининг қирчумолиларга орқасини ўгириб, орқа оёқларини ҳар гал силтаганидан кейин капалак қуртига яқин қирчумолилар дарҳол фалажланиб қолишини тадқиқотчилар бир неча бор кузатишган. Кўпинча, капалак қурти фалажланган қирчумолини паққос туширади, аксари ҳолларда фалажланган қирчумолилар кўп ўтмай ҳалок бўлади. Капалак қуртининг бу ўткир қуроли аслида «агрессив алломон» деб аталмиш газсимон заҳарли химиявий моддадан экан. Бу заҳарнинг кучи шу қадар зўрки, бир дона капалак қурти бир йўла олтмиш-етмиш қирчумолини «ер тишлатиши» мумкин. «Агрессив алломон»нинг таъсири анча узоқ давом этади: капалак қурти аллақачон ўлиб бўлишига қарамай, бу газ яна бир мунча вақт ўз таъсир доирасидаги қирчумолиларни карахт қилиб қўяди.

Шуниси ҳам борки, капалак қуртининг газ душманига танлаб таъсир этади: бу газ бошқа ҳашаротлар, чунончи пашша ва ари қуртларига мутлақо зарар етказмайди. Бу хусусиятнинг амалий аҳамияти катта, зеро «агрессив алломон»ни ажратиб олиб унинг химиявий таркибини аниқлаш имкони туғилгудек бўлса (бу борада иш бошлаб юборилган) Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатлари хўжалигига қанчадан-қанча зиён етказаётган қирчумолиларга худди шу газ ёрдамида қирон келтириш мумкин бўларди.

РАССОМ ТАБАССУМИ

— Касалим оғир доктор, бир-икки кунга бюллетень бермасангиз бўлмайди.

— Сизга бюллетень эмас, балки шўртангроқ бирор нарса керакка ўхшайди.

— Жон бериб, жон олгувчи кўзларингга доғман.

— Меҳнат интизоми ҳақидаги қарор қаерда қолди экан.

— Меҳнаткашлар хатларн билан ишлаш ҳақидаги қарор-чи!..

— Бугун мазангиз йўқроқ кўринади!

— Кеча қўшнимизникида қизлар мажлиси бўлувди.

Е. Одилов ва А. Ҳакимов расмлари.

Азиз НЕСИН, Туркия

ҚАҲВА ВА ДЕМОКРАТИЯ

ҲАЖВИЯ

Бизнинг мамлакатда икки нарса етишмайди: бири—қаҳва, иккинчиси — демократия. Униси ҳам, буниси ҳам четдан келади. Биз мамлакатимизда қаҳва ўстира олмадик, бунга сабаб, эҳтимол, иқлим шароитининг тўғри келмаганида бўлса керак. Демократия масаласига келганда эса уни экиш, парвариш қилиш учун кучимизни ҳам, умримизни ҳам аямаганмиз. Агар тарихимизга назар ташласангиз, демократиянинг дастлабки уруғи экилганига юз йилча бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. Юз йил! Вой худойим-эй!.. Демократиямиз бизга турли таъқибларни, қувғинларни инъом этди.

—Демократиянинг янги ниҳоллари... Бизнинг ёш демократиямиз... Уни деб муттасил қайғу чекамиз... Демократия уруғини илк бор эккан кишиларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Бизнинг демократиямиз орадан юз йил ўтганига қарамай, гарчи у баъзи бировларга қудратли чинор бўлиб кўринса ҳам, ўша ёш ниҳоллигича қолиб кетди. Агар шу юз йил давомида демократияни ўстириш учун қилган хизматимизни қаҳва етиштиришга сарфлаганимизда эди мамлакатимиз тамомила қаҳвазорга айланиб кетган бўларди. Демократия уруғи ўрнига қаҳва уруғини экиш керак эди. Ўз вақтида буни ҳисобга олмаганмиз, мана оқибат! Қаҳвани ҳузур қилиб ичасан, демократияни эса на еб бўлади, на ичиб. Энди сиз: «Шундай экан унинг нима кераги бор?» деб сўрашга ҳақлисиз. Мажбуранлиб абжағи чиққан демократия бизга четдан келади-ю, аммо қаҳва келмайди. Уни пулга сотадилар, демократияни эса шундай, текинга берадилар. Қаҳвани сотиб олиш учун валюта керак, демократияни олиш учун ҳеч нарса керак эмас — уни шундай бераверишади.

Бизнинг қаҳва туфайли тортаётган кулфатимизга назар ташласангиз, унга нақадар ўрганиб қолганимизга иқрор бўласиз. Биз қаҳванинг яхшисидан ёмонини, эскисидан янгисини, тозасидан аралаштирилганини бир кўришдаёқ, ҳеч иккиланмасдан ажрата оламиз.

Аввалига арпа қаҳваси пайдо бўлди— биз уни қабул қилмадик. Изидан нўхот қаҳваси туғилди — у бизга ёқмади. Ҳозир қаҳвани кокос ёнғоғидан тайёрлайдилар — уни кўришга кўзимиз йўқ. Тангрим қора қаҳвани ўйлаб топган фуқароларимизнинг имонларини бутун, жонларини саломат қилсин!

Қаҳванинг ашаддий ишқибози бўлган биз турклар ҳар қандай қора ишлар билан келишиб кета оламиз-у аммо қора қаҳва билан келиша олмаймиз.

О, қудратли тангрм! Қани энди демократияни ҳам қаҳвани билгандай била олсайдик!

Ж. ШОДМОНОВ таржимаси.

• Маданият хабарлари

«ГУСАРНИНГ УЙЛАНИШИ»

Тошкент Давлат оперетта театри ижодий коллективи саҳналаштирган янги спектакль ана шундай номланди. Спектаклни СССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети режиссёри А. Борисов ва Москва Марказий болалар театри бош рассоми Э. Змойра саҳналаштирди.

Театр коллективи айни пайтда композитор Э. Солиҳовнинг «Сув париси Ойгул совғаси» оперетта-сини ҳам томошабинларга туҳфа этишга ҳозирлик кўрянти. Асарнинг биринчи томошабинлари қишки каникулга чиққан Тошкент мактаблари ўқувчилари бўлади. Йил охирига яна Ч. Чаплин сценарийси бўйича саҳналаштирилган «Гонконглик графиня», В. Казининнинг «Чипполино» асарларининг премьералари бўлади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги байрами кунларида З. Фатхулин ва А. Берлиннинг «Навбаҳорим қалдиргочлари» саҳна асари намойиш этилади. Бу театрнинг пахтакорларга бағишлаган биринчи саҳна асаридир.

Шанба фельетони

«ЯШАСИН, БИЗ ТОМОНГА РЕВИЗОР КЕЛЯПТИ!»

Ҳозир классик асарлар эскириб қолганми ёки йўқми, деб баҳс ўтказиш одат тусига кириб қолган. Бу ҳақда қандай қизғин мунозаралар бўлади. Ҳолбуки қаёт билан яхши таниш кишилар классика эскириб қолган дейиши мумкин.

Мана бунга яп-янги мисол. «Сизларни чақиртиришдан мурод, жаноблар, кўп бир совуқ хабарни эшиттириб қўйиш: бизнинг томонга ревизор келяпти». Бу—Н. В. Гоголнинг машҳур асаридан олинган сатрлар.

Мана буниси эса ҳозирги кунимизга таалуқли: «Ўртоқлар, сизларга ғоят қувончли хабарни маълум қилиб қўймоқчиман: «Яшасин, бизнинг томонга ревизор келяпти». Бу хушхабар 4-ЖЭК ходимларн томонидан маълум қилинди. Чунки улар кейинги олти йилдан кўпроқ вақт давомида биринчи бор ўз кўзлари билан ревизорни кўриш имкониятига эга бўлаётган эдилар.

Сиз, ҳурматли газетхонларда наҳотки оти йилдан кўпроқ вақт мобайнида шаҳар уй-жой бошқармасида 4-ЖЭК молиявий-хўжалик фаолияти билан қизиқишмаган эканлар, деган савол туғилиши табиийдир. Тасаввур қилинг-а, қизиқишмаганлиги, улар оддий расмиятчиликдан нарига ўтмаган.

Рўй-рост айтадиган бўлсак бунинг таажжубланарли жойи йўқ. Қатор ЖЭКларда иш жуда бўшаштириб юборилганига ҳам, бу ерларда турли нуқсонлар, ҳатто жиноий ишлар тез-тез учраб туришига ҳам ажабланмаса бўлади. Гап шундаки, бошқарма контроль-ревизия бўлимига шунчалик малакасиз, махсус маълумотга ва билимга эга бўлмаган одамларгина эмас, айни пайтда вазифасига панжа орасидан қарайдиган, ўзларн белгилаган озгинагина тадбирларни бажаришни эп кўрмайдиган кишилар раҳбарлик қилишади.

Сиз, муҳтарам газетхонлар яна бир савол беришга ҳақлисиз. Яъни, хўш, бу ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни одил баҳолайдиган ҳакамлар қаерда, деб сўрашингиз мумкин. Ҳакамлар, яъни ревизорларнинг ўзи янада малакасиз кишилардир. Мисол учун ревизор Мельхиннерни олиб кўрайлик. Унинг «махсус маълумоти»... олти ойлик телеграфчилар тайёрлаш курси билан чегараланади, холос.

Шу муносабат билан шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи У. А. Ризаев ва у кишининг ўринбосари В. Е. Егоровадан телеграф усулида лўндагина қилиб: ўртоқлар, ЖЭКларда, шунингдек бошқармангизда рўй бераётган бу камчиликларни қандай қилиб сезмаяпсиз, деган савол беришдир.

Уй-жой бошқармаси раҳбарларининг муносиб ва истеъдодли издошлари бор. Масалан, маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи З. А. Акбаров. Халқ назоратчилари у раҳбарлик қилаётган бошқармада 36 минг сўмлик камомад ва талон-тарожликни аниқладилар. Аммо давлат ҳисобига саҳийлик қилаётган Акбаров айбдорларни жазолаш у ёқда турсин, қўл остидаги шахслар талон-тарож қилган бойликлар давлатга қайтарилиши тўғрисида ҳам ташвиш чекмаяпти. Ҳар ҳолда шу йилнинг биринчи ярмида гумдон қилинган 36 минг сўмдан аранг 477 сўми давлатга қайтарилди. Табиийки, шаҳар халқ контроли комитети бу бошқармада ҳам ревизия ишлари паст савияда эканлигини, чинакамига назорат йўқлигини ва айбдорларга бирон-бир жиддийроқ жазо берилмаётганлигини қайд этди.

Бундан шундай таассурот пайдо бўладики, айрим раҳбарлар иш уларнинг ҳамённига тааллуқли бўлмаса қўл силтаб қўяверадиганга ўхшайдилар. Нима қилса ҳам уларга бунинг иссиғи ҳам, совуғи ҳам йўқда.

Бироқ, уларга бунинг таъсири бўлмаса бошқаларга таъсири бўляпти. Масалан, Тошкент медицина институти шаҳарчасидаги 12-ётоқхонада яшовчи студентлар учун шундай таъсир бўляпти. Бу ётоқхонани институт қошидаги хўжалик ҳисобидаги ремонтқурилиш бошқармасининг «устаси фаранг» ишчилари капитал ремонт қилган эдилар. Улар ремонтни шунақаям «дўндирдиларки», студентлар аҳволига «вой» демасликнинг иложи йўқ. «Устаси фаранг»лар ремонтни тугалламасданоқ «қўлдан чиққан» жойларни яна эпақага келтиришга киришиб кетдилар. Буни албатта, ўз ҳисобларига қилганлари йўқ. Охири нима билан тугади денг! Ремонтчиларнинг қўли теккан водопровод ва канализация шундай аҳволга келдики, қайси қаватга кўтарилманг чакка томаётган жойларни кўрасиз.

Виждон деган нарсани унутиб қўйган бу «устаси фаранг»лар ҳали институтнинг умумий масалалар бўйича ўша пайтдаги проректори Р. Ф. Мерзлоков ва бош инженер Ф. З. Пакка кўзларн тушган пайтда «Яшасин, бизнинг томонга ревизор келяпти!» деб қичқиришни унутишмасди. Уларнинг хурсанд бўлишларига асос бор эди. Контролёрлар деб айтишга тил бормайдиган бу мутасаддн ўртоқлар ремонт сифатн билан мутлақо қизиқмаганлари-қизиқмаган (ахир бу ётоқхонада улар яшамайдиларда!), бажарилган иш ҳажмига 26 минг сўмлик миқдордаги ремонт ишлари ортиқча ёзиб қўйилганлигини ҳам билмаганга олдилар.

Ана шундай ташкилот ва идораларда ўзларини аллақачон тузукроқ текшириш лозим бўлган текширувчилар ишлар экан, юқорида тилга олган «устаси фаранг»лару халқ бойлигига кўз олайтирувчилар «Яшасин, биз томонга ревизор келяпти!», деб хурсанд ҳолда бақиравердилар. Ана шундай «контролёр»лар хизмат курсисини эгаллаб тураверар экан бу ташкилот ва идораларда ҳам тегишли тартиб ўрнатиш амри маҳолдир.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет. оқшоми

19 НОЯБРЬ, 1983 й.

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

21 НОЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Мультфильмлар: «Миттиполвон», «Юмроқдозиқ карнавалда», «Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кучук бўлган экан». 10.05 «Мўлжални кўряпман». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.лар. 12.25 П. И. Чайковский. Фаминор. 4-симфония. Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади. 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Экибастуз учун кадрлар», «АБС, ЭҲМ ва стрелкачи», «Изланиш маршрутлари бўйлаб». 16.25 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.

17.10 «Қишлоқ манзаралари». Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 17.35 «Учови Простоквашинодан». Мультфильм. 17.55 «Онамларнинг мактаби». 18.25 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 19.25 «Москва». Кинокўрсатув. 19.35 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». УССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналарининг ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича иқтисодий тажрибага ўтиш учун қўрилаётган ҳозирлиги ҳақида. 20.05 Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист И. Политковский ижросида Г. Венявскийнинг скрипка миниатюралари. 20.15 «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Ф. М. Достоевскийнинг шу номли романи асосида. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Футбол шарҳи». 22.25 «Балет ҳақида». 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 дан 18.30 гача профилактика.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 20.00 «Зверест чўққиси.га чиқиш». Илмий-оммабоп фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 СССР космонавт-учувчиси В. Н. Волков хотираси учун акробатика бўйича халқаро мусобақалар. МАСК универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Б. Тихонов чалади (баян). 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Ижсталь». 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Табиатшунослик. Ер юзасининг шакллари. 11.50 «Биографиянинг бошланиши». Телефильм. 12.30 География. Ўрмон саноати. 13.00 «Женя, Женечка ва «катюша». Бадиий фильм.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Маугли». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 19.10 Совет Армияси жангчилари учун. «Қаҳрамонлардан ўрнак ол» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўсмирлар ва қизлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича СССР биринчилиги. «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж. Эзиб олинган. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Хива вақти бўйича роппа-роса соат еттида». Фильм-концерт («Узбекфильм»). 21.30 «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 Г. Мушель. «Самарқанд афсонси». Самарқанд опера ва балет театрининг спектакли. 00.10 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ер ва одамлар». Кинопрограмма. 19.25 Врач маслаҳати. 19.40 «Ердаги из». Телефильм. 19.55 Янгиликлар. 20.15 «Вертикаль». Бадиий фильм.

22 НОЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Мен бугун ва эртага». Мактаб ўқувчиларининг полиграфия саноати ходимлари касбларини энг яхши билиш учун конкурси. 10.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда. «Илья Муромец». 12.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 13.20 Москва инженерлик физикаси институтининг аркаслар академик хори куйлайди. 13.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Давр тоғи бўйлаб юқоригa». Телевизион ҳужжатли фильм.

16.10 Чувашистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 16.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.20 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.50 «Фейруз нега куйламаяпти?» Телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 Ф. Лист. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт. П. Наги ва Венгрия телевидениесининг симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — А. Медведцки. Венгриядан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан ва турмуш». 20.00 Белоруссия ССР ҳунар-техника таълими Маданият саройининг халқ оркестри ижро этади. 20.10 «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 21.30 «Время». 22.05 Давлат эстрада театрида шоир А. Демен.тьевнинг авторлик кечаси. 23.20 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Ижодиёт учук патент». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.40 Тарих. 5-синф. Қадимий Греция афсоналари. 10.00 «Муз исканжасида». Илмий-оммабоп фильм. 10.10 ва 13.55 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Ишчи касбининг чиройи ва романтикаси. 11.35 ва 12.35 Ботаника. 5-синф. Илдиз қандай ўсади? 11.55 «Немда қиргоқлари да». Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи. 12.55 Н. А. Некрасов лирикаси. 9-синф. 13.25 Умумий биология. 9-синф. Ҳайвонлар ва атроф-муҳит. Мосланувчанлик — эволюция оқибати. 14.25 Ф. Энгельс. Ҳаётни саҳифалари. 15.10 «Мактаб ўқувчиларига пон ҳақида». 15.40 Петр Паулс Рубенс.

16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.55 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 19.50 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. ТТТ—МАСК. Минскдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 СССР халқ артисти Е. Нестеренко куйлайди. 21.30 «Время». 22.05 «Харламовни эслаб». Ҳужжатли фильм. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Химик» — «Спартак» 2- ва 3-даврлар. Воскресенскдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Математика. Бурчаклар. 12.00 «Раиса Аҳматова». Телефильм. 12.30 Адабиёт. Ғафур Ғулом — моҳир прозаик. 13.00 Болалар учун фильм. «Менинг меҳрибон дадам».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Юлдуз ча». 18.30 «Геология хизмати — беш йилликка» (рус.). 19.00 «Ғузалликни яратиш». Гимнастика шоҳсупаси олдидаги суҳбат. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод гулшани». Кўрсатувни Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати А. Орипов олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақслар гулдастаси». «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли иштирокида. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 Янгиликлар.

II

9.00—16.30 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Биология. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши. 18.40 «Шоир Мирсаид Миршакар». Телефильм. 19.00 Эстетика асослари. Бадиий образ санъатда воқеликни акс эттириш формасидир (рус.). 19.40 «Сомон йўли». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 20.50 «Сўнгги ов». Телевизион бадиий фильм (рус.). 21.30 МТ II.

23 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» прогрэммаси

9.00 «Время». 9.40 Мультфильм. 10.00 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 11.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.15 СССР Маданият министрлиги Давлат симфоник оркестрининг концерти. 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари.

16.25 Закарпатье халқ хорининг концерти. 17.10 «Сен қонунни биласанми?». 17.50 «Стадион ҳамма учун». 18.20 «Тенгдош». Киножурнал. 18.30 «Ҳозирги дунё ва ишчилар ҳаракати». 19.00 Москва область Дубна шаҳар «Подснежник» болалар ансамбли ижро этади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Коллектив нимага қодир». 1-кўрсатув. «Москва нималардан қурилмоқда»». 20.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар И. Большакова ва В. Гуляев рақсга тушади. 20.15 «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Московские новости» газетасининг соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. Жуфт бўлиб учиш. Қисқа программа. 22.30 «Спорт ҳафталиги». 23.00 Халқаро конкурс лауреати С. Потанина чалади (фортепьяно). 23.20 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Курземе» Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 Тарих. Мен — Совет Иттифоқи гражданиман. 10.05 ва 14.25 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 География. Океан инсон хизматида. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Ленинном. 11.35 ва 12.35 И. С. Тургенов. «Бежин ўтлоғи». 6-синф. 12.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.05 Табиатшунослик. 4-синф. Шамол ва унинг иши. 13.25 Тарих. 4-синф. Биринчи рус революционерлари. 13.55 Музика. 3-синф. СССР халқларининг куйлари. 1-кўрсатув. 14.55 Ўрта аср санъати. 2-кўрсатув. 15.25 «Қишлоқ янгиликлари». 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Рус шаҳри». Илмий-оммабоп фильм. 19.10 «Ёшлар адреслари». 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Шаҳар чеккасидаги тегирмон». Телевизион бадиий фильм. премьераси. 23.10 С. Есенин. «Анна Снегина».

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. СССРда алоқа воситаларининг ривожланиши. 12.00 «Ўргатиш ва тарбиялаш». Телефильм. 12.30 Химия. Нитрат кислота. Аммиак ва нитрат кислота ишлаб чиқариш. 13.00 «Севан ҳақида ривоят». Телефильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Биргаликда қувноқ қадам ташлаймиз». Болалар учун фильм-концерт. 18.30 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.). 19.00 «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Рассом Чингиз Аҳмаров» (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рубоб тароналари». Кўрсатувни М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг доценти Р. Неъматов олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

II

9.00—16.30 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Эстетика асослари. Бадиий образ санъатда воқеликни акс эттириш формасидир. 18.50 Реклама. 19.20 Ўқитувчи экрани. Адабиёт дарсларини ленинча мавзу асосида олиб бориш (рус.). 19.50 «Болалигим кўли». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Классик куй саҳифалари». 20.50 «Капитан вахтаси». «Командировка». Телефильмлар. 21.30 МТ II.

24 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 Время». 9.40 «Оддий мўъжизалар». 10.10 «Шаҳар чеккаси.даги тегирмон». Телевизион бадиий фильм. 11.15 «Саёҳатчилар клуби». 12.15 Полесье Давлат «Ленок» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 12.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бугун ва ҳар куни». УССР Фанлар академиясининг президенти Б. Е. Патон ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.

16.15 «Драматургия ва театр». Л. Леонов. «Ҳужум». 17.00 «Мезенда, денгиз бўйида». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.15 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари». 17.55 «Шахмат мактаби». «Маҳорат сабоқлари». 18.25 «Миллионлар ленинча университети». «Ҳозирги замоннинг халқаро проблемалари». 18.55 «Расмларда қуёш акси бор». 19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «Коллектив нимага қодир». 2-кўрсатув. «Монтаж уфқи». 20.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Спарта» (Голландия)—«Спартак» (Москва). Голландиядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Иван». Телевизион бадиий фильм премьераси. 23.15 «Ўчинчи воқеалари». 23.30 Чехословакия телевидениеси ва радиосининг В. Заградник раҳбарлигидаги оркестри чалади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Никифоровичлар». Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Физика. 6-синф. Вазн вазнсизлик. 10.05 ва 13.35 Испан тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Қуёш. 11.35 ва 12.40 Зоология. 7-синф. Балиқларнинг хилма-хиллиги. 12.00 «Онамларнинг мактаби». 12.30 «Ғилдирак ва тупроқ». Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Ҳаёт формуласи». СССР халқ ўқитувчиси Ж. Утуров ҳақида телевизион очерк. 14.05 А. С. Пушкин. «Мис чавандоз». 14.55 «Қайта тикланган никоҳ». Бадиий фильм, субтитр билан. 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Сиз яратган боғ». 19.15 «Душман уясида». Бадиий фильм (МХР). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 21.20 «Рус рўмоли». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 «1983 йил қўшиқлари». Олмаотадан олиб кўрсатилади. 23.00 «Адабий ўқиш». Вс. Иванов. «Литература Т».

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Болалар учун фильм. «Кашф этилмаган ороллар». 19.00 «Меҳнаткашларнинг илмий-техника ижодкорлигини ривожлантириш» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.). 20.15 «Бўёқлар симфонияси». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 «Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Учинчи қўғирноқдан сўнг...». Театр кўрсатуви. 23.30 Янгиликлар.

II

9.00—16.25 МТ II.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Рус тили—мактабгача ёшдаги болаларга». Машғулот — болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатишнинг асосий формаси. 18.40 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Винокор» (Тошкент) — Урицкий номли спорт клуби (Қозон). «Юбилейний» Марказий спорт залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида — Янгиликлар. 20.45 «Бизнинг давр». Телефильм. 21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатаяи. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 21.30 МТ II.

25 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 10.25 «Душман уясида». Бадиий фильм (МХР). 11.40 «Уста ва бригантина». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.10 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. 13.05 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Сенинг йўлларингни боши», «Сунтар — олонхо ери».

16.20 «Рус тили». 16.55 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига». 17.25 Мактаб ўқувчиларининг СССР Ички ишлар министрлиги хизмат кўрсатган ходими, старший терговчи Н. С. Герасимова билан учрашуви. 18.10 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Шевченко куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 «Ялқовлик». Мультфильм. 18.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Коллектив нимага қодир». 3-кўрсатув. «Тажриба изланишда ортди». 20.00 СССР халқ артисти Д. Гнатюк куйлайди. 20.10 «Экранда — кинокомедия». «Беҳуда шов-шув». В. Шекспирнинг шу номли асари асосида. 21.30 «Время». 22.05 «Московские новости» газетасининг соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Қаҳрабо қиргоқ тароналари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Ўчинчи ёши». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Тарих. 4-синф. Капиталистик фабрикада. 10.05 ва 13.40 Инглиз тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. «Ерга садоқат». Қозоғистон қишлоқ хўжалиги учун механизатор кадрлар тайёрлаш ҳақида. 11.35 ва 12.40 Тарих. 7-синф. Александр Невский. 12.05 Г. Абашидзе поэзияси. 13.10 География. 5-синф. Тоглар. 14.10 «Звездочёт» телевизион журнали. 14.55 Хўжаликни бошқариш мактаби. «Ишончлилик» операцияси. 15.25 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Саёҳатчилар клуби». 19.45 Бал рақслари Москва ансамблларининг чиқиши. 20.20 «Тошкент лавҳалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Ўсимликлар дунёси». 21.30 «Время». 22.05 «Оилавий иш». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 23.10 Хоккей бўйича СССР чемпионати. АСК — «Спартак». 3-давр. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Рус адабиёти. «Мен Ватанимни севаман». М. Ю. Лермонтов лирикасида Ватан мавзуи (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 12.40 «Дудинская синфи». Телефильм.

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Саккизоёқлилар», «Самодаги саёҳат». Мультфильмлар. 18.20 Болалар учун фильм. 18.50 Монголия Халқ Республикаси деб эълон қилинган кунга. Киноочерк. 19.10 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Самарқанд сайқалига мафтунмиз». Музикашуносларнинг II Халқаро симпозиуми ҳақида. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Самарқанд сайқалига мафтунмиз» кўрсатувининг давоми. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1-серия. 24.00 Янгиликлар.

II

9.00—16.30 МТ II.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ишчи — шарафли ном». 18.35 «Менинг мовий шаҳрим». «Кўчманчи қушлар учмоқда». Телефильмлар. 19.05 «Авлодлар биографияси (рус.). 19.30 «Йўл бошидаги уй». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қўшиқ қўшиқни чорлайди». Фильм-концерт. 21.15 «Рапқон: спорт гектарлари». Телефильм. 21.30 МТ II.

26 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 «Ўсмирлар ижоди». 10.05 «Спортлото»нинг 48-тиражи. 10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.45 А. Бородин. До минор фортепьяно квинтети. 11.10 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 11.40 «Сизга манзур адабиётлар». 12.25 МХР деб эълон қилинган кунга. «Ёшлик республикаси». Киноочерк. 12.45 «1983 йил архитектураси». Минск. 13.15 «Эдинг.дами, ўрток...». 14.15 «Сиз бунга қодирсиз». 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Сузавер. кемачам». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.

16.25 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 16.55 «Ҳайвонот оламида». 17.55 «Даллас жумбоқлари». Телевизион ҳужжатли фильм. Автор—В. С. Зорин. 18.50 «Московские новости» газетасининг соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. Эркаклар. Эркин программа. 19.35 «Ўртоқ қўшиқ». Бутуниттифоқ телевизион конкурсининг очилиши. 21.30 «Время». 22.05 «Мария Николаевна Ермолова». 23.10 «Московские новости» газетасининг соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. Хотин-қизлар. Эркин программа. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 «Каунас расмлар галереяси». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.50 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 10.20 Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун Бутуниттифоқ конкурси. «Менинг азиз болажонларим». 10.55 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 11.50 «Мушукнинг уйи». Мультфильм. 12.05 «Олам кинокамера кўзгусида». 13.10 Халқ чолғулари садолари (гитара). 2-кўрсатув. 14.05 «Кинопанорама». 15.35 «Музикали киоск».

16.05 Рассом Александр Шилов». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.10 Москва. Консерваториянинг катта зали. СССР Маданият министрлиги Давлат симфоник оркестрининг концерти. 19.10 «Партия ҳақида ҳикоялар». «Шундай партия бор». 20.15 Халқаро обзор. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 «Оилавий иш». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 23.10 «Ҳужжатли экран». Киноилова.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Физкультура билан шуғулланинг». 10.30 телевизион миниатюралар театри. 11.15 Болалар учун концерт. 11.45 «Шеърият дафтаридан». 12.15 «Кино артистлари куйлайди». М. Боярский. 13.15 «Ватан фарзандлари». Бадиий фильм («Узбекфильм»).

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 18.00 «Лайлаклар». Мультфильм. 18.15 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 19.00 «Ота-оналар университети». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Куйла, ёшлигим». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

9.00—18.55 МТ II.

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 18.00 Мультфильмлар. 18.30 «Янгроқ овозлар». Болалар учун концерт. 19.00 «Новости». 19.20 «Сибирь — йил фасллари». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Чашма». Халқ ижодиёти телевизион клуби. 20.00 «Ахбор». 20.30 «Бизнинг шарҳ». Халқаро мавзуларда суҳбат. 20.50 «Муваффақиятлар тилаймиз Сизга, деҳқонлар!». Кўрсатув ва концерт. 21.30 МТ II.

27 НОЯБРЬ— ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Учувчи Нурғалиевнинг ердаги юмушлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.00 Монголия артистларининг концерти. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 12.00 «Здоровье». 12.45 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 13.15 «Совет тупроғидаги учрашувлар». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 А. Арканов, А. Горин. «Катта уйнинг кичик машмашалари». Москва сатира театрининг фильм-спектакли.

17.40 «Саёҳатчилар клуби». 18.40 «Вовка эртаклар мамлакатида». Мультфильм. 19.00 «Халқаро панорама». 19.45 «Ветеранлар, Сизлар учун». Музикали кўрсатув. 20.30 «Московские новости» газетасининг соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. Спорт рақслари. Эркин рақс. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 «Дунё ва ёшлар». Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш. 22.35 «Московские новости» газетасининг соврини учун фигурали учиш бўйича кўргазмали чиқишлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади 24.00 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

15.00 «Қадимий вальслар». РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Н. Сергеев раҳбарлигидаги Давлат духовой оркестрининг концерти. 15.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».

16.05 Қаҳрамон-шаҳар Киев фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган музикали программа. 17.25 «Ерда, самода ва денгизда». 17.55 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия («Ўзбекфильм»). 19.10 Сув полоси бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР — Венгрия терма командалари. «Олимпийский» спорт комплекси ҳавзасидан олиб кўрсатилади. 19.40 «Аренадаги табассум». Фильм-концерт. 19.50 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» (Каунас) — «Динамо» (Тбилиси). Тбилисидан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Эрмитаж. 23-фильм. 21.15 «Туғилиш». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Оилавий иш». Уч серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 3-серия. 23.10 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 24.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Динамо» (Москва). 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болалар учун фильм. «Таня ва икки мушкетёр». 12.20 «Ўзбекистон спорти». 11.50 «Бувимнинг соябони». Мультфильм. 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.05 «Кино оламида». 14.10 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 14.45 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ўргатилган паровозча». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Бойчечак». 18.45 «Цирк! Цирк! Цирк!» 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Хоразм ҳаволари». 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Студентлик — «оқ олтин» даврим». Кўрсатувда А. Островский номли Тошкент театр-рассомчилик институтининг студентлари иштирок этади. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

9.00 — 16.05 МТ II.

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Олга, Франция!» Бадиий фильм. 18.00 «Сайра, қўмиз». 19.00 Москва. «Халқаро панорама». 19.45 «Ўз шаҳрингни сев». Фрунзе иссиқлик электростанцияси коллективи ҳақида телеҳикоя. 20.15 Мультфильм. 20.30 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Локомотив» (Новосибирск). — «Динамо» (Фрунзе).

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Тоҳир ва Зуҳра**, 20/XI да **Уйқудаги гўзал**, 22/XI да **Фауст**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Шошма, қуёш**, 20/XI да **Парвона**, 22/XI да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/XI да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (15.00), 20/XI да **Тошболта ошиқ** (12.00, 19.30).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «СУВ ЖОЗИБАСИ» аттракциони (19.30).

кино

19 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИКЛИ РАДЖА» — **Санъат саройи** (18.20, 20.30; телефон 44-21-74).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» — **Санъат саройи** (кичик зал, телефон 44-21-74, (17.00, 19.30).

«ТЎРТ МУШКЕТЕР» — **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ҲАЁТИДАН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-62), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Ғ. Ғулом номли** (11.00 14.00, 17.00, 20.00; Телефон 35-24-92).

«ТРЮКЧИ» — **Қозоғистон** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00; Телефон 35-24-92).

«МЕН ҚУРҚАМАН» — **Қозоғистон** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

«ЯРАМАСНИНГ ЎЛИМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00; Телефон 78-47-25).

«ГРАЧЛАР» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

20 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИКЛИ РАДЖА» — **Санъат саройи** (11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.30; Телефон 44-21-74).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» — **Санъат саройи** (кичик зал, телефон 44-21-74, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30).

«ТЎРТ МУШКЕТЕР» — **Чайка** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00; Телефон 77-06-20).

«ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ҲАЁТИДАН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-62), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Ғ. Ғулом номли** (11.00 14.00, 17.00, 20.00; Телефон 35-24-92).

«ТРЮКЧИ» — **Қозоғистон** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00; Телефон 35-24-92).

«МЕН ҚУРҚАМАН» — **Қозоғистон** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

«ЯРАМАСНИНГ ЎЛИМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00; Телефон 78-47-25).

«ГРАЧЛАР» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛА